

ХАБАРЛАР

Тоҷикистонлик муҳолифат фаоли Германиядан депорт қилинди

дақиқа аввал



Асадулло Бобоев

Германия 54 ёшли тоҷикистонлик муҳолифат фаоли Асадулло Бобоевни Тоҷикистонга депортация қилди.

Бу ҳақда Озодлик радиоси тожик хизмати Бобоевнинг хотини Мастона Файзуллоева ва "Тоҷикистонда ислохотлар ва тараққиёт" ҳаракати раҳбари Шарофиддин Гадовга таяниб хабар қилди.

Бобоев ва унинг 19 ёшли ўғли 2026 йил 8 июнда Клеве шаҳрида ушланган.

Фаолларга кўра, улар 1 июлга қадар улар Германияда қолиши ва бу ерда қолишини асословчи ҳужжатларни тақдим этиши керак эди.

Аммо, ҳукумат берган муддат ва ҳимоя томонидан тақдим этилган таъқиб хавфи ҳақидаги материалларга қарамай, суд уларни депортация қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

- Биз адвокат орқали Германия судига уни Тожикистонда таъқиб қилишлари, қийноққа солишлари ва жазолашлари ҳақида ўнлаб саҳифа далиллар тақдим этдик. Лекин бу давлат бунимуман инобатга олмади. Унда 1 июлга билет ва тайёргарлик учун вақт бор эди, лекин қариндошларидан беҳабар ҳолда ҳам Асадуллони, ҳам унинг ўғлини жўнатиб юборишди, - деди Шарофиддин Гадоев.

20 июнда Бобоев хотинига телефон қилиб, уни ўғли билан бирга Мюнхенга олиб келганликлари ва Душанбега учадиган самолётга ўтказмоқчи эканликларини айтган.

Яқинларига кўра, Тожикистонга етиб келгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар унинг ўғлини бувисига топширган, Бобоевнинг ўзи эса тергов изоляторига олиб кетишган.

Бу - Европа давлатлари томонидан тожикистонликларни депортация қилиш ва Тожикистонда уларга нисбатан узоқ қамоқ жазолари тайинланиши билан боғлиқ биринчи ҳолат эмас.

2024 йил ноябрда Польшадан депортация қилинган муҳолифат фаоли Фаррух Икромов Тожикистон суди томонидан 23 йилга қамалган эди.